

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИ ТАЛҚИНИ

Иброҳим Абдурахмонов

Санъашунослик фанлари номзоди, доцент

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон тасвирий санъатида культ, мифо-эпик ва фольклор мавзулари талқинининг қадимги замонлардан ҳозирга қадар бўлган тарихий тараққиёт динамикаси илмий асосланган.

Калит сўзлар: тасвирий санъати, культ, миф, эпос, фольклор, бадий мерос, услуб, терракота, “Ўғисхон”, “Балбал”, “Умай она”, “Кўкбўри”, рангтасвир, ҳайкатрарошлик, кандакорлик, кулолчилик.

INTERPRETATION OF FOLKLORE MOTIFS IN THE FINE ART OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article is scientifically based on the dynamics of historical development of the interpretation of cult, mytho-epic and folklore themes in the art of Turkic peoples from ancient times to the present day

Keywords: Turkish fine arts, cult, myth, epic, folklore, artistic heritage, style, terracotta, “Ogiskhan”, “Balbal”, “Umay ona”, “Kokbori”, painting, sculpture, carving, ceramics

КИРИШ

Ўзбекистон тасвирий санъати – кўп асрлик тарихга эга бўлиб, жаҳон бадий маданияти тамаддунида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Турли ҳудудлардан топилган санъат ёдгорликлари, ноёб тасвирлар бу борада ниҳоятда бой мерос яратилганлигини тасдиқлайди. Аждодларимиз узоқ тарихий жараёнларда культлар, мифлар ва фольклорга доир тасаввурларини бадий талқин қилишда ўз тажрибасини бойитиб келган. Натижада ўзига ҳос тасвир анъаналари шаклланган. Мазкур меросимизнинг қадимги замонлардан ҳозирги кунга қадар бўлган ривожланиш босқичларига назар ташлаш, ҳар бир тарихий

даврга ҳос тасвирларнинг услубий ўзига ҳослигини тизимли тадқиқ этиш орқали мавзунинг янги қирраларини назарий асослаш имконияти пайдо бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таҳлилларимиз натижалари шуни кўрсатадики, санъат тарихида қадимги даврлардан туркий қавмлар мифларига оид образлар туркуми вужудга келган. Илгари мавжуд бўлган ва турли тасаввурларга асосланган содда кўринишдаги тасвирлар шакли ва мазмунида ўзгаришлар рўй бера бошлаган. Ишланган буюмлар ва предметларда мифологик қарашлар доираси кенгайиб, жамиятда аста-секинлик билан етакчи кучга айлана бошлаганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат қадимги давр санъатининг бадиий, ғоявий ва услубий ўзига ҳослигини аниқлашда жудаям муҳим.

Илк ўрта асрлар санъатида кандакорлик, кулолчилик, ҳайкалтарошлик ва маҳобатли деворий суратларда мавзуга оид тасвирлар ишланган. Уларнинг аксариятида афсонавий қахрамонлар, мифологик жонзодлар, зооморф, антроморф ва самовий мифларга оид тасвирлар турлича талқин қилинган. Туркийзабон халқлар ва суғдликлар санъати ўзаро уйғунлаша бошлаган. Эпосларда қахрамонлик мавзуси етакчилик қилган. Монийлик дини кенг тарқалган. Афросиёб, Варахша, эски Термиз, Болаликтепа, Далварзин, Холчаён, Ерқўрғон ва бошқа манзилгоҳлардан топилган санъат ёдгорликлари бунинг ёрқин мисолидир.

XIX-XII асрлар санъатида культлар ва мифологик мавзуларга оид ёдгорликлар талқинида янги давр бошланди. Самовий мифлар-қушлар (бургут, лочин, семурғ, товус, ғоз, кабутар, булбул, хумо), ғайритабиий жонзодлар (сфинкс, грифон, ритон, девлар, қанотли от, қанотли туя), ҳайвонлар (туя, кўй, архар, жайрон, эчки, кийик, буғу, шер, буқа), судралиб юрувчилар (илон, тошбақа, қурбақа, сичқон, типратикон) тасвирлари ҳам кенг тарқалади. Улар ишланаётган ашёси ва тасвир йўналишига кўра турли кўринишларга эга бўлди. Ушбу туркум образлар кейинчалик трансформацияга учраб, ўрта асрларда шакллана бошлаган ислом эстетикаси таъсирида янги шакл ва мазмун билан бойитилди. Ислом мафқураси таъсирида Мовароуннаҳр тасвирий санъатидаги ёдгорлик ҳайкалтарошлиги ва маҳобатли деворий суратлар аста-секин барҳам топа бошлади. Унинг ўрнини турли рамзий амалий-безакли буюмлар эгаллади. Ўрта асрларда маҳаллий эпос бирмунча ривожланди, лирик-романтик

поэзиядаги мифларга оид образлар тараққий этиши билан киноя ва метафаранинг поэтик тили вужудга келди. Бир қатор мифологик образлар тасаввуф ғоялари асосида қайта мазмунлаштирилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрта асрлар бадиий меросининг ўзига ҳослигини тадқиқ этишда “Ислом санъати” катта ўрин тутди. Айниқса, Мовароуннаҳр миниатюра санъати жаҳонда тенгсиз дурдоналар қаторида тилга олинади. Ўрта асрлар ёзма дostonларда тилга олинган афсоналар воқеалари, тасаввуф тариқати, маҳаллий культлар ва эпосга асосланган лавҳалар ишланди. Бу даврда бир неча миниатюра (Хирот, Самарқанд, Бухоро, кейинчалик Шохрухия) мактаблари фаолият юритган. Ўз даврининг нодир ёзма дostonлари – “Шохнома”, “Ҳамса” афсонавий воқеалари акс этган миниатюралар ўзига ҳослиги билан алоҳида илмий қийматга эга.

XVIII-XX асрлар-хонликлар даврида миниатюра санъати услубий ўзгаришларга учраб, бироз замонавийлашди. Натижада ўзининг асл қиёфаси ва анъаналаридан бироз узоқлашди. Бадиий маданиятимизнинг қисмати чигал ва турлича кечди. Санъат ривожига, ундаги янги шакл ва услубларнинг пайдо бўлишига тарихий эврилишлар, жамиятда рўй берган ижтимоий-сиёсий муносабатлар улкан таъсир кўрсатди. Бу даврда мавзу асосан халқ амалий санъати намуналарининг шакли ва ташқи бадиий безагидан ўрин олди.

XXI асрда Ўзбекистон замонавий рангтасвирида туркий халқларнинг илк аждоди Ўғусхон сиймосининг турли ракурслардаги тасвири ишлана бошланди. Рангтасвирда турк-ўғуз қабилаларининг қадимги эпик ёдгорлиги-“Ўғузнома”га бағишланган картиналарда рассомларнинг ўз шахсий қарашлари ва ижодий кашфиётлари намоён этилган. И.Мансуровнинг “Ўғусхон” (2014) портретида афсонавий ҳукмдор қизил либосда чордона куриб ўтирган ҳолда реал услубда тасвирланган. Белидан баланд қисми ва бошидаги уч шохли тож алоҳида рамзий айлана ичига олиниши орқали унинг ярим ҳукмдор ярим худо - биринчи башар эканлигига ишора қилинади. Чор атрофда дарахлар мевалари унинг қавми фаровон ва тўкин-сочин ҳаёт кечирганлигининг рамзидир. Портретнинг юқори қисмидаги ики четида бир бирига қараб турган шер сиймосида унинг бутун инсоният ҳукмдори мақоми англанади. Айлана ичидаги ой, кун ва юлдуз тасвирлари унинг фарзандларига ишора қилинади. Бошқа ракурслардаги “Ўғусхон овда” (2016) асари ҳам кучли пластик ечимда бажарилган. Инсониятнинг илк

аждоди ҳақидаги мотивлари М.Йўлдошевнинг “Қаюмарс”, “Қаюмарснинг азобланиши” (2001) картиналарида ҳам ифодаланган. Оч қизил ва тўқ сариқ ранглар уйғунлаштирилган композицияда эртакона муболағали муҳит яратилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, туркий халқлар санъатида мифологик мавзулар алоҳида илмий ўрганилиши лозим. “Ўғисхон”, “Балбал”, “Умай она”, “Кўкбўри”, “Кўктангри” тимсоллари санъатнинг ғоявий бадиий ривожланиш динамикасида алоҳида ўрин тутди.

REFERENCES

1. Ibragim Abdurahmonov. (2018). Reflection of Written Dastans in Maverannahr Miniature (Xiv – XVII Centuries). International Journal of Research, 5 (23), 425-432.
2. Ibrahim Abdurahmonov. (2018). Painter of Folk Poems. San'at, №2. P.31-35.
3. Ibrohim Rahimovich Abdurahmonov. (2020). Concept of mythology represented in fine arts of Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 9(10), 143-147.
4. ABDURAKHMANOV, IBROKHIM (2019) "SPECIFIC PECULIARITIES AND VALUE OF LEGENDARY THEMES IN THE PRACTICAL APPLY ART," Culture and Arts of Central Asia: Vol. 10: No. 1, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cacenas/vol10/iss1/12>
5. Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ. Амалий безак санъатида афсонавий мавзуларнинг аҳамияти ва ўзига ҳослиги (қисм бутунликнинг ифодаси сифатида).-//ЎЗДСМИ хабарлари. 2019, № 2.-Б.59-63.
6. Абдураҳмонов И.Р. Ўзбекистон санъатида диний-мифологик мавзуларнинг ўрганилиши (Академик А.Ҳақимов илмий мероси мисолида).- ЎЗДСМИ хабарлари. 2019, № 4. Б.39-42.
7. V-VIII асрлар Суғд санъатида мифологик мавзулар талқини.-//Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ахборотномаси. Т., 2021. №2. Б.23-30.
8. Ibrokhim Rakhimovich Abdurakhmonov. (2021). The Interpretation Of Images On Dualism, Totemism, Animism And Fetishism. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN-2689-100X). Impact Factor. 2021. 5.857. P.75-81.
9. Ibrokhim Rakhimovich Abdurakhmonov. (2021). Reflection Of Folklore in Applied Art Of Uzbekistan (From The Beginning Of The XX Century To The 90s). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(2), 166-171.

10. Achilov, N. N., Baxriyev, I. S., & Mahmudov, M. J. (2020). MUHANDISLIK GRAFIKASIDA MULTIMEDIYANING TUTGAN O'RNI. Academic Research in Educational Sciences, 1(4), 639-646.
11. Kukiev, B., Norboy o'g'li, A. N., & Shaydulloyevich, B. Q. (2019). TECHNOLOGY FOR CREATING IMAGES IN AUTOCAD. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).
12. Norboy o'g'li, A. N. (2020). The use and importance of the three-dimensional features of the auto cad program in drawing projects in public schools. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 189-192.
13. Norboy o'g'li, A. N. (2020). Pedagogical and psychological fundamentals of formation of space imagination and creative ability in students. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), 38-40.
14. Mokhir, K., Nurbek, A., Qudrat, B., Elbek, K., & Boburmirzo, K. (2020). SOME METHODS OF FINDING ANGLE IN THE SCIENCES OF DRAWING AND DRAWINGMEMETRY. JOURNAL OF PHYSICS AND MATHEMATICS, 4(1), 47-52.
15. Norboy o'g'li, A. N., & Shaydulloyevich, B. Q. Ko'kiyev Boburmirzo Baxodir o'g'li & Jumayev Isroil Omandovlat o'g'li (2020). Methods of developing creative abilities in children. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(10), 151-153.
16. Achilov, N. N. (2020). Maktablarda chizmachilik darslarini o'qitish metodlari va ularni tashkil qilish prinsiplari. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 280-286.
17. Achilov, N. N. (2020). O'yinli texnologiyalardan foydalanib chizmachilik darslarida o'quvchilar ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va dars samaradorligini oshirish metodikasi. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 49-60.
18. Achilov N.N. Develop students' spatial imagination by making simple cuts in drawing. Муғаллим ҳам үзлуксиз билимлендириў илимийметодикалык журнали №2 2020 ISSN 2181-7138
19. Norboy o'g'li, A. N. (2020). O'YINLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANIB CHIZMACHILIK DARSLARIDA O 'QUVCHILAR IJODIY QOBILiyATLARINI RIVOJLANTIRISH VA DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISH METODIKASI. Педагогика ва психологияда инновациялар, 12(3).
20. Achilov, N. N. (2020). METHODS OF INCREASING THE EFFECTIVENESS OF THE LESSON USING VISUAL AIDS IN THE TEACHING OF DRAWING SCIENCE. Экономика и социум, (11), 35-39.
21. Achilov N.N. (2021). THE USE OF SIMPLE CLIPPINGS TO FORM A SPATIAL IMAGE. Экономика и социум, 10(89), 1308-1313